

**Олий таълим муассасаларида гуруҳ
мураббийларини, уларнинг фаолияти
самарадорлигига қараб
рағбатлантириш (ойлик маошининг
25% гача миқдорда устама ҳақ тўлаш)
бўйича гуруҳ мураббийлари
фаолиятини баҳолашнинг**

Намунавий мезони

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12-февралдаги 87-04-249 сонли хатига асосан Олий таълим муассасаларида гуруҳ мураббийлари фаолиятини баҳолашнинг Намунавий мезони ишлаб чиқилган ва фойдаланиш учун тавсия этилган.

- Ушбу баҳолаш мезони “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27-июлдаги ПҚ 3151-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 9-август куни ўтказилган мажлис баёни ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 23-августдаги 600-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилган ва барча Олий таълим муассасаларига фойдаланиш учун намуна сифатида тарқатилган.

Гуруҳ мураббийлари фаолиятини 25 баллик тизимда баҳолаш қуйидаги тадбирларнинг ўтказилиши ва баҳоланишини кўзда тутди:

№	Фаолият тури	Асословчи ҳужжатлар	Балл (мах)
1.	Гуруҳ мураббийларининг ўқув йили учун иш режаси мавжудлиги	Иш режасида гуруҳ хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий тадбирларнинг тўлиқ акс эттирилганлиги, тасдиқланганлиги.	0,2
		Чора-тадбирлар режаси асосида маълумот тақдим этиладиган ойда амалга оширилган ишларни асословчи баённома ва фото лавҳаларнинг мавжудлиги.	0,8
		ТТА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.	Жами: 1

№	Фаолият тури	Асословчи хужжатлар	Балл (мах)
2.	<p>Гуруҳ талабалари ҳақида демографик маълумотларнинг мавжудлиги</p>	<p>Вазирликнинг http://www.my.edu.uz тармоғига талабаларнинг базавий маълумотларини белгиланган муддатда киритилганлиги,</p> <p>Талабаларнинг маълумотномалари (объективкаси)ни шакллантирилганлиги ва ТГА маъмуриятига тақдим этилганлиги,</p> <p>Ногирон, етим, ота-онаси, отаси ёки онаси йўқ, ижтимоий шароити оғир талабалар тўғрисида маълумот шакллантирилганлиги ва улар билан амалга оширилган ишларнинг мавжудлиги,</p> <p>Талабалар турар жойида, ижарада, ўз уйида ва қариндош-уруғларининг уйларида яшовчи талабалар ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги ҳамда гуруҳ талабаларининг ҳар бирига қисқача тавсиф дафтарининг юритилиши,</p> <p>ТГА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.</p>	<p>0,5</p> <p>0,5</p> <p>0,5</p> <p>0,5</p> <p>Жами: 2</p>

№	Фаолият тури	Асословчи хужжатлар	Балл (мах)
3.	«Ахборот ва мураббийлик соати» машғулотларининг режага мувофиқ ўтказилиши	<p>«Ахборот дафтар»ларининг юритилиши ва унда кун тартибидаги масала юзасидан конспектнинг мавжудлиги,</p> <p>Тарқатма материалларнинг мавжудлиги,</p> <p>«Ахборот ва мураббийлик соати» машғулотларини гуруҳ журналида қайд этилиши,</p> <p>Гуруҳ талабаларининг давомати,</p> <p>ТТА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.</p>	<p>0,5</p> <p>0,5</p> <p>0,5</p> <p>0,5</p> <p>Жами: 2</p>

№	Фаолият тури	Асословчи хужжатлар	Балл (мах)
4.	«Маънавият куни» тадбирларини режага мувофиқ ўтказилиши	<p>«Маънавият куни» режасини ишлаб чиқилганлиги,</p> <p>Режа асосида тарихий қадамжоларга саёхатлар, театрга ташрифи ва бошқа тадбирлар тўғрисида баённомалар, тарқатма материаллар мавжудлиги,</p> <p>ТТА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.</p>	<p>2</p> <p>2</p> <p>Жами: 4</p>

№	Фаолият тури	Асословчи хужжатлар	Балл (мах)
5.	Талабалар турар жойида, ижарада ва қариндош-уруғлариникида яшовчилар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказилиши ҳамда улар билан ишлаш	<p>Талабалар турар жойида, ижарада ва қариндош-уруғлариникида яшовчи талабалар билан ишлаш бўйича чора-тадбирлар режасининг ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги.</p> <p>Ижарада ва қариндош уруғлариникида истиқомат қилувчи талабаларнинг яшаш шароити, МФЙ, посбонлар, хонадон эгаси билан мулоқатда бўлганлиги (мулоқот дафтари ташкил этилганлиги ва юритилиши)</p> <p>Маълумот тақдим этиладиган ойда амалга оширилган ишларни асословчи фото ва баённомаларнинг мавжудлиги.</p> <p>ТТА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.</p>	<p>1</p> <p>3</p> <p>3</p> <p>Жами: 7</p>

№	Фаолият тури	Асословчи хужжатлар	Балл (мах)
6.	<p>Талабалар дарсдан ташқари машғулотлари тўғрисида маълумотлар ва уларнинг жалб этилиш ҳолати</p>	<p>Фан, ишлаб чиқариш, санъат ва спорт тўғаракларига, жамоат ишларида қатнашиши тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилганлиги,</p> <p>Гуруҳлараро спорт мусобақаларида гуруҳ талабалари иштирокининг ташкил этилганлиги, талабаларнинг таълим муассасаси, факультет ва кафедраларнинг маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот ва жамоат ишларидаги иштироки ва уларнинг муҳокамаси.</p> <p>ТТА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.</p>	<p>1</p> <p>0,5</p> <p>Жами: 1,5</p>

№	Фаолият тури	Асословчи хужжатлар	Балл (мах)
7.	Талабалар ота-оналари ва маҳаллалар билан алоқанинг йўлга қўйилганлиги	<p>Талабалар тарбиясида ота-оналар ва маҳаллалар билан ҳамкорлик ишларининг ташкил этилганлиги, гуруҳ талабаларининг ота-оналари билан доимий мулоқотлар йўлга қўйилганлиги, доимий назорат қилиб борилганлиги ҳолати,</p> <p>Гуруҳда ҳар уч ойда бир марта «Ота-оналар куни»нинг ўтказилиши</p>	<p>1</p> <p>0,5</p> <p>Жами: 1,5</p>

№	Фаолият тури	Асословчи хужжатлар	Балл (мах)
8.	Сабабсиз дарс қолдирадиган, ўзлаштирилиши паст, семестр натижаларига кўра қарздор талабалар билан ишлаш	<p>Гуруҳда мазкур ҳолат юзасидан якка ва гуруҳий тартибда муҳокама қилинганлиги</p> <p>ТТА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.</p>	Жами: 1

№	Фаолият тури	Асословчи ҳужжатлар	Балл (мах)
9.	Талабалар шахсий карточкалари, талабалик гувоҳномалари, рейтинг дафтарчалари ва гуруҳ журналларининг гуруҳ мураббийи томонидан назорат қилиниши	<p>Талабаларнинг шахсий карточкалари, талабалик гувоҳномалари, рейтинг дафтарчалари ва гуруҳ журналларининг гуруҳ мураббийи томонидан назорат қилиниши бўйича маълумот</p> <p>ТТА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.</p>	Жами: 1

№	Фаолият тури	Асословчи ҳужжатлар	Балл (мах)
10	<p>Гуруҳ талабалари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича қилинган алоҳида ишлар</p>	<p>Гуруҳ мураббийси томонидан талабалар билан ишлашни такомиллаштириш мақсадида ойлик йўл харитасини ишлаб чиқилганлиги,</p> <p>Йўл харитаси асосида амалга оширилган ишлар (асословчи ҳужжатлар – маълумот ва баённомалар) ҳамда уларнинг ижро ҳолати бўйича гуруҳ талабалари билан ўтказилган йиғилиш баённомаси ва фотосурати,</p> <p>ТТА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.</p>	<p>0,5</p> <p>1,5</p> <p>Жами: 2</p>

№	Фаолият тури	Асословчи хужжатлар	Балл (мах)
11	Гуруҳ талабаларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, кийиниш маданияти	<p>Гуруҳ талабаларининг ТТА “Одоб-ахлоқ қоидалари” билан таништирилганлиги</p> <p>Талабаларнинг ТТА “Одоб-ахлоқ қоидалари”га риоя этиши,</p> <p>ТТА маъмурияти томонидан назорат вақтидаги ҳолат ижобий (инобатга олинади) ёки салбий (жами балл инобатга олинмайди) баҳоланади.</p>	<p>0,5</p> <p>2</p> <p>Жами: 2,5</p>
Жами			25 балл

Бундан ташқари гуруҳ мураббийларига талабаларни таътилга кузатиш ва кутиб олиш, амалиёт вақтида қаерда бўлишини назорат қилиш, бириктирилган гуруҳда китоб мутооласини тўғри ташкил қилиш, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби мажбуриятлар ҳам юклатилган

Изоҳ:

1. Гуруҳ мураббийси томонидан мезон асосида ҳар ойнинг охириги ҳафтасида, амалга оширган ишлари ҳақидаги ойлик ҳисоботни йиғма жилд шаклида, факультет Бош мураббийига (факультет Ишчи гуруҳига) тақдим этади.
2. Гуруҳ мураббийси томонидан мезон асосида бажарилган ишлари натижаси, махсус йиғма жилдда жамланиб ҳар семестр охирида, ТТА ректорининг фармойиши билан ташкил этилган академия ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилади, бунда мураббий тўплаган баллар мураббийнинг ойлик маошига қўшимча устама ҳақ тўлаш учун асос бўлади.
3. Гуруҳ мураббийсининг семестр давомида бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи, ТТА Ишчи гуруҳи аъзолари томонидан тузилган баённома билан тасдиқланади.